

ГАИБНАЗАРОВА
ЗУМРАТ
ТАЛАТОВНА



МАМЛАКАТИМИЗ САНОАТ
КОРХОНАЛАРИНИНГ БАРҚАРОР
РИВОЖЛАНИШ МЕХАНИЗМИ
АСОСЛАРИ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ЙЎЛЛАРИ

| | |
|--------|--------------------------|
| 658 | 4/10. 8341 |
| L-15. | <u>Денежно-запасы</u> |
| | <u>Недвижимость</u> |
| | <u>Земельные участки</u> |
| T 8023 | 100.000. |

45TA

658
T-16

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ,
ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ


ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ГАИБНАЗАРОВА ЗУМРАТ ТАЛАТОВНА

МАМЛАКАТИМИЗ САНОАТ
КОРХОНАЛАРИНИНГ БАРҚАРОР
РИВОЖЛАНИШ МЕХАНИЗМИ
АСОСЛАРИ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ЙЎЛЛАРИ

Монография

ТОШКЕНТ - 2023



УЎК 658
КБК 65.30
Г 15

Гаибназарова З.Т. Мамлакатимиз саноат корхоналарининг баркарор ривожланиш механизми асослари ва такомиллаштириш йўллари: Монография - Т.: Тошкент давлат иқтисодиёт университети, 2023. - 146 б.

Мамлакатимиз саноат корхоналарини баркарор ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш, инвестицион ресурсларни самарали жалб қилиш ҳисобига ишлаб чиқариш жараёнларини ривожлантириш, ходимларнинг интеллигент салоҳиятини ошириш ва корхоналарнинг баркарор ривожланиш тенденциялари ҳамда концептуал асосларини чукур кайта кўриб чиқиши, минтақаларро ва глобал даражада баркарорликни таъминлаш ўйналишларидаги илмий-тадқикотларга устувор даражада эътибор каратилмоқда.

Ўзбекистоннинг макроиктисодий ривожланишини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими, индикаторлар сонини ошириш орқали саноат корхоналарини баркарор ривожлантириш мақсадларига эришиш мумкин бўлади. Саноат корхоналарининг баркарор ривожланиш механизми билан боғлиқ маълумотларни кайта ишлаш жараёнларида хориж тажрибасидан кенг кўламда мақсадли фойдаланиши ва ҳалқаро стандартларга мос келадиган кўрсаткичларни шакллантириши долзарб вазифалардан бирин ҳисобланади.

Бу ўз навбатида саноат тармогининг баркарор ривожланишини эътиборга олган ҳолда эришилаётган самарадорликни баҳолаш услубиятини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш механизmlари фаoliyatiini kaita k'uriб чиқishi, iktisodiy samaradorligini oshiriш hamda rakamlashтириш ва jahon bозоридagi darajaga mос maҳsулotlarni etkazib berish sharoитlарини эътиборга олган ҳолда баркарор ривожлантиришининг меъёрий чегараларини замонавий тенденцияларга асосланиб баҳолаш усулини такомиллаштириши ўрганиши бугунги куннинг долзарб масаласи сифатида ушибу монографияда аks этигирilган.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти ракамли иқтисодиёт шaroитida respublika da innovatsion bозor tаlabalarini эътиборга олган ҳолда саноат корхоналарининг баркарор ривожланиш механизminи тақомиллаштиришга таъсирини маълум даражада ривожлантиришга ўз хиссасини кўшади.

Монография илмий муассасалар ва олий таълим тизимида илмий изланиш олиб борувчи тадқиқотчилар ва мутахассислар ҳамда иқтисодиётда инсон капитали муаммолари билан шугулланувчи субъектларнинг амалий фаoliyatiда шунингдек саноат корхоналарида баркарор ривожланиш механизмини тақомиллаштириши масалалари билан шугулланувчилар учун мўлжалланган.

Takrizchilar:

и.ф.д., проф. Ҳусанов Д.Н.-Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси Молия ва молиявий технологиялар кафедраси муддири
и.ф.н., доц. Мамарахимов Б.Э.-ТДИУ Фундаментал иқтисодиёт кафедраси муддири

© Тошкент давлат иқтисодиёт университети, 2023

© З.Т. Гаибназарова, 2023

© "IDEAL PRESS", 2023

ISBN 978-9970-9669-1-0

МУГДАРИЖА

| | |
|---|------------|
| КИРИШ | 4 |
| I БОБ. САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ..... | 6 |
| 1.1. Саноат корхоналарининг барқарор ривожланишининг назарий асослари.6 | |
| 1.2. Саноат корхоналарининг барқарор ривожланиш механизмига таъсир оғувчи омиллар..... | 14 |
| 1.3. Мамлакатимиз саноат тармоқларининг барқарор ривожланиш механизмининг устувор йўналишлари | 28 |
| II БОБ. САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛANIШ ҲОЛАТИ ВА УНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ ТАҲЛИЛИ..... | 45 |
| 2.1. “UZKABEL” акциядорлик жамиятининг барқарор ривожланиш механизмининг иқтисодий таҳлили | 45 |
| 2.2. Саноат корхоналарининг барқарор ривожланиш даражасини баҳолаш усуllibарি | 52 |
| 2.3. Саноат корхоналарининг барқарор ривожланиш механизмини тақомиллаштириш бўйича хорижий давлатлар тажрибаси | 76 |
| III БОБ. САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛANIШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УНИ ПРОГНОЗЛАШТИРИШ | 92 |
| 3.1. Саноат корхоналарининг барқарор ривожланиш стратегияси алгоритмини тақомиллаштириш йўллари..... | 92 |
| 3.2. Саноат корхоналарининг барқарор ривожланиш механизмини жорий тиши ва унинг иқтисодий самарадорлиги..... | 101 |
| 3.3. “UZKABEL” акциядорлик жамиятининг барқарор ривожланиш кўрсаткичларини эконометрик моделлаштириш ва прогнозлаш..... | 116 |
| ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ..... | 131 |
| ИЛОВАЛАР | 138 |

Жаҳон миқёсида иқтисодиётнинг рақамли кўринишга ўтиш шароитида саноат корхоналарининг иқтисодий, молиявий, экологик ва ижтимоий барқарорлигини ривожлантириш масалаларига етакчи йўналиш сифатида қаралмоқда. Тармоқнинг бундай йўналишда ривожланишини ҳисобга олиб “2019-йилда БМТ бош Ассамблеясининг 74-сессиясида 2021-йил “Барқарор ривожланиш йўлида халқаро креатив иқтисодиёт йили” деб эълон қилинди. Индонезия тақдим этилган таклифнинг асосий ташаббускори бўлиб, глобал мамлакатлар гурухи таркибига киравчи Австралия, Хитой, Ҳиндистон, Индонезия, Филиппин ва Таиланд каби давлатлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшишган”¹. Жаҳон иқтисодиётининг рақамлаштирилиши-технологик жиҳатдан барқарор ривожланишни, иккинчи томондан эса саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотларга бўлган эҳтиёжнинг ортиб бориши, бу тармоқдаги олиб борилаётган фаолият самарадорлигини янада ошириш заруратини кўрсатиб бермоқда.

Жаҳонда саноат корхоналарининг барқарор ривожланиши ихтисослашган бозорларда ракобатбардошликтининг кучайиб бориши сабабли тармоқнинг фаолият самарадорлигидаги барқарорликни ошириш бўйича ижтимоий, молиявий, технологик, дастурий, иқтисодий ва бошқа йўналишларда илмий-тадқиқотларни олиб боришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада, жумладан рақамли иқтисодиёт шароитида саноат корхоналарини барқарор ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш, инвестицион ресурсларни самарали жалб қилиш ҳисобига ишлаб чиқариш жараёнларини ривожлантириш, ходимларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш ва корхоналарнинг барқарор ривожланиш тенденциялари ҳамда концептуал асосларини чукур қайта кўриб чиқиш, минтақаларро ва глобал даражада барқарорликни таъминлаш йўналишларидаги илмий-тадқиқотларга устувор даражада эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда бугунги қунда саноат корхоналарини сифат жиҳатдан янги даражага олиб чиқиш, ишлаб чиқаришда замонавий усуллардан фойдаланиш ва инвестицион фаолиятни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “...мамлакатимиз

¹ <https://unctad.org/topic/trade-analysis/creative-economy-programme/2021-year-of-the-creative-economy>

50 дан ортиқ саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда барча имкониятлар ва нисбий устунликларга эга. Айниқса, нефть-газ, кимё, металлургия, машинасозлик, электротехника, фармацевтика, қурилиш материаллари, тұқымачилик, әрм-пойбазал, озик-овқат ҳамда “яшил инқисодиёт” билан боғлиқ саноат тармоқлари инқисодиёттегі “драйверлари”га айланиши учун барча етарлы шароитлар мавжуд. Умуман олганда, 2021 йилда 23 миллиард АҚШ доллари қыйматидаги инвестицияларни ўзлаштириш зарур. Натижада 226 та йирик саноат ва инфратузилма объектлари ишга туширилади². Бу ўз навбатида саноат тармоғининг барқарор ривожланишини эътиборга олган ҳолда үришилаётган самарадорликни баҳолаш услугиятини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш механизмлари фаолиятини қайта күриб чиқиш, инқисодий самарадорлигини ошириш ҳамда рақамлаштириш ва жағон бозоридаги даражага мос маҳсулотларни етказиб бериш шароитларини эътиборга олган ҳолда барқарор ривожлантиришнинг меъёрий чегараларини замонавий тенденцияларга асосланиб баҳолаш усулини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишларини чуқурлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон “Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги карори, 2021 йил 2 мартағи ПҚ-5011-сон “Электротехника саноатини янада ривожлантириш ва маҳаллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, 2021 йил 9 июлдаги ПФ-6244-сон “Худудларнинг саноат салоҳиятини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида тўғрисида”ги фармони, 2019 йил 16 сентябдаги ПҚ-4453-сон “Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги карори, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги 841-сон “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хукукий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласди.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29 декабрь 2020 йил

ЎБОВЛАДОУ КОРХОНАЛАРИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИННИГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Саноат корхоналарининг барқарор ривожланишининг назарий асослари

Ҳозирги кунда жуда катта эътибор Ўзбекистоннинг рақамли иқтисодиёт шароитида вужудга келаётган замонавий муаммоларга қаратилмоқда. Ушбу муаммоларни ҳал этиш эса корхоналарнинг барқарор ривожланиши ва жаҳондаги етакчи ўринларни эгаллашини таъминлайди. Бунинг натижасида мамлакатимизнинг импорт салмоғи пасаяди ва экспорт салоҳиятининг ошишига сабаб бўлади. Экспортдан олинган фойда ҳажмининг ортиши мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий, техник-инновацион, технологик-инвестицион ривожланиши ва аҳоли фаровонлигининг ўсишига олиб келади. Шу билан бир қаторда Ўзбекистоннинг ҳалқаро миқёсдаги даражасини кўтариш ва унинг жаҳондаги онлайн бозорлардаги салоҳиятини оширади. Натижада барқарор ривожланиш ҳисобига мамлакат иқтисодиётини рақамлаштириш ва шарт-шароитларни яхшилашга замин яратилади.

Ўзбекистоннинг макроиктисодий ривожланишини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими, индикаторлар сонини ошириш орқали саноат корхоналарини барқарор ривожлантириш мақсадига эришиш мумкин бўлади. Рақамли иқтисодиёт шароитида саноат корхоналарини барқарор ривожланиш механизмлари билан боғлиқ маълумотларни қайта ишлаш жараёнларида хориж тажрибасидан кенг кўламда мақсадли фойдаланиш ва ҳалқаро стандартларга мос келадиган кўрсаткичларни шакллантириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Жаҳондаги етакчи иқтисодчилар орасида иқтисодий ўсиш назарияси (economic growth) билан бир қаторда янги илмий йўналиш яъни иқтисодий ривожланиш (economic development) назарияси пайдо бўлмоқда. Иқтисодиёт назарияси бўйича “sustainable development” (барқарор ривожланиш) категорияси иқтисодий ривожланиш ҳолатини тавсифлашда фойдаланилади.

Дастлаб таниқли илм-фан намёёндалари А.Смит, А.Маршалл ва Дж.Кейнс иқтисодий ривожланиш муаммосининг таҳлилини фойдани максималлаштириш назарияси нутқи назаридан олиб боришган ва

корхонанинг барқарорлик холатини фақат белгиланган фойда даражасини ушлаб турғандагина бундай барқарор ривожланишига эга бўлади деб баҳолашган³.

Барқарор ривожланиш хусусидаги фикрлар 1972 йилда нашр этилган “Ўсишнинг чегаралари” китоби кенг ёритилган. Бу китобнинг ва тушучининг янгича асосчилари Донелл Н. Медоуз, Ценис Л. Медоуз, Йерген Рандерс ва Вильям В. Беренс III томонидан Рим клубига топширилган ва дунё аҳолисининг тез ўсиши ва унинг ресурслар билан ўзаро таъсири оқибатларини моделлаштиришга имкон берган эди. Симуляциянинг мақсади чекланган табиий ресурслар ва уларнинг аста-секин камайиб бориши шароитида инсоният цивилизациясининг демографик ва иқтисодий ўсиши чегараларини белгилашдан иборат бўлган. Яна бир муҳим мақсад - дунё тизимининг ўсиш чегараларига яқинлашганда хатти-харакатларининг энг характерли ценарийларини ҳисоблаш, шунингдек, улар орасидан энг мақбул ёки барқарорларини топиш бўлган. Китобда инсоният ривожланишининг 12 та ценарийси тақдим этилган, улардан бештаси Ер аҳолисининг энг юқори чўққисига, кейин эса турмуш даражасининг кескин пасайиши туфайли аҳоли фаровонлигининг тануззулига олиб келиши эди. Қолган етти ценарий шартли равишда “камроқ қулай” ва “қулай” турларга бўлинган⁴.

1987 йилда Г.Дейли ва Р.Костанза классик иқтисодий назария доирасида ривожланишининг табиий ресурслар каби таркибий қисмлари кам баҳоланади ва пул бўлмаган қадриятларнинг ривожланишга кўшган ҳиссаси эътиборга олинмайди, деган фикрни бишидирдилар⁵. Олимлар “кучли барқарорлик” (кучли) тушунчаси бўлган экологик иқтисоднинг барқарорлик қоидаларини ишлаб чиқадилар.

Америкалик эколог олим, Жоржия университети экология институтининг фахрий профессори Френк Б.Голли ҳам иқтисодий ва ижтимоий тизимлар атроф-муҳитнинг кўйи тизимлари бўлиб, бу икки соҳанинг барқарорлиги экологик тизимнинг умумий ҳолатига боғлиқ

³ Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. - М.: Издательство социально-экономической литературы, 1962. /Маршал А. Принципы экономической науки. - Г. Г. М.: Изд. «Прогресс». 1993./ Кейнс Дж М. Общая теория занятости, процента и денег. Издание. - М.: ЭКСМО, 2007. 960 с.

⁴ The Limits to Growth. A Report for The Club Of Rome's Project On the Predicament Of Mankind / Donella H. Meadows, Dennis L. Meadows, Jorgen Randers, William W. Behrens III // Universe Books, New York, 1972 - C. 205.

⁵ Costanza R., Daly H.E. Natural Capital and Sustainable Development // Conservation Biology. Mar., 1992. Vol. 6. No. 1. pp. 37-46.

деб ҳисоблаган. Натижада, барқарорлик ҳолатида сақланиши керак бўлган асосий бойлиқ, Ф.Б.Голлининг фикрига кўра, “экотизимларнинг ташқи зарба ва ўзгаришларга қатъий жавоб бериш қобилиятидир”⁶ деган хуносага келган.

Иқтисодий адабиётларда барқарор ривожланишнинг кўплаб таърифлари келтирилган. Хусусан К.Р.Гришаковнинг фикрига кўра “Барқарорлик” - бу корхоналарнинг турли ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиши керак бўлган кенг қамровли комплекс категорияидир. Барқарорлик бу - тизимнинг ўзгарувчан мухит таъсири остида ўзига хос хусусиятларини, сифатини сақлаб қолиш қобилиятидир. Лекин маълум бир тушунчаларни ажратиб олиш лозим. Булар “Корхонанинг барқарорлиги” ва “Саноат корхонасининг барқарор ривожланиши” тушунчаларидир. Шу билан бирга, саноат корхонасининг барқарорлиги бу корхонанинг стационар яъни ўзгармас ҳолатида бизнес жараёнларининг юкори сифатли ва самарали кўрсаткичлари билан ажралиб туришига айтилади. Шунингдек корхона ҳар доим ўзгарувчан ташқи мухитнинг таъсири натижасида ушбу кўрсаткичларни ўз ичига олади⁷.

Мавжуд таърифларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, турли комбинациялар таркибида мухим жиҳатларнинг бир қисмигина мажуд бўлиб, ишлаб чиқаришни инновацион ривожлантириш ва диверсификациялаш жараённига деярли эътибор қаратилмаган.

“Барқарор ривожланиш” назарияси ўз таркибига «тизимнинг салоҳияти»ни олади ва барча ресурсларнинг самарали ривожланишига ёрдам берадиган тизимнинг имкониятлари тўпламидир. “Ривожланиш” тушунчасининг ўзи эса тизимдаги сифат ва миқдорий кўрсаткичлар, функционал шаклдаги ўзгаришлар ва таркибий ислоҳотлар киритилиши ҳисобига олиб келадиган баъзи ўзгаришларни англаатади⁸.

Е.Н.Кучерованинг таъкидлашича “Барқарорлик” ва “ривожланиш” тушунчалари ўзаро бир-бирига қарама-қарши тушунчалар ҳисобланиб, “барқарорлик” обьектнинг ёки тизимнинг мунтазамлик ва доимийлигини тавсифласа, “ривожланиш” - динамика ва уларнинг ўзгаришини характерлайди. Ривожланиш бу

⁶ Golley F.B. History of the Ecosystem Concept in Ecology. 1993. (New Haven, CT: Yale University Press)

⁷ Гришаков К.Р. Понятие устойчивого развития промышленного предприятия // Экономика. - 2013. -№ 3. - С. 31-34.

⁸ Анпилов С.М. Экономическое содержание устойчивости развития современного предприятия // Вестник СамГУ. -2012. -№ 1 (92). -С.10.

тизимдаги юзага келадиган ўзгаришлар бўлиб, сифат, миқдор ва гаркибий шаклга эга бўлган ҳамда фаолият юритишнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи ўзгаришлар хисобланади⁹. “Барқарорлик” атамаси мувозанат, тенгликин англатса, “ривожланиш” тизимнинг доимий мувозанат ҳолатидан чиқиш учун шарт-шароитлар яратишга интилишдир¹⁰.

“Тизимнинг барқарор ривожланиши” тушунчаси остида “...хусусиятлар ва қўрсаткичларнинг доимий динамик ўзгариши, тизимнинг мутлақо янги ҳолатларига олиб келиб, сифатли томонларни барқарор жорий қилиниши ва доимийликни таъминлайди”¹¹. С.М.Анпиловнинг фикрига кўра, “Тизим барқарорлиги” - бу тизимнинг энг қулай ҳолати бўлиб, ўз-ўзини гартибга солиш, жалб қилинган ва хусусий ресурсларни назорат қилиш ҳисобига, ташқи омилларга қарши қураш орқали эришиш мумкин. Бундай вазиятда, ўз-ўзини назорат қилиш аниқ бир тизимнинг унсурларини таъминлаб, белгиланган қийматлар доирасида тизимдаги барча параметрларнинг мувофиқлигини назорат қилиб боради. Корхонанинг бошқарув тизимини барқарор ҳолатда сақлаш учун ички имкониятлар ва мавжуд бўлган барча турдаги ресурслардан самарали фойдаланилишини талаб этади¹². Барқарор ривожланиш вақт оралигини ҳисобга оладиган иқтисодий тизимнинг динамик ҳолатини тасвирлайди. Ҳозирги кунда иқтисодий тизимнинг барқарорлиги ва ривожланишнинг барқарорлиги “...ташки ва ички омилларнинг ўзгаришига ўзига хос муносабат билдириш ҳисобига, корхонанинг рақобат қураши шароитида жон сақлаб қолиш ва самарали фаолият юритиши учун даромад олиш имкониятини яратади. Бинобарин, корхонанинг барқарор ривожланиши унинг рақобатбардошлилик хусусиятларининг барқарорлигига таянади”¹³.

⁹ Кучерова Е.Н. Современный подход к устойчивому развитию предприятия // Вестник ОГУ. -2007. -№ 9. - С. 76-81.

¹⁰ Мельник Л. Г. Основы устойчивого развития: учеб. Пособие. -Сумы: ИТД «Университетская книга», 2005. -654 с.

¹¹ Гришаков К. Р. Понятие устойчивого развития промышленного предприятия // Экономика. -2013. -№ 3. - С. 31-34.

¹² Анпилов С. М. Экономическое содержание устойчивости развития современного предприятия // Вестник СамГУ. -2012. -№ 1 (92) -С 5-11.

¹³ Веселовская В. С. Управление экономической устойчивостью предприятия в современных условиях// Основные направления развития сферы торговли, индустрии гостеприимства, сервиса и услуг в условиях ВТО: материалы Междунар. науч.-практ. интернет-конф., 25.04.2015 г. / Казанский ин-т (филиал) РГТЭУ, 2015 -С. 125-133.

Барқарор ривожланиш иқтисодий тизимнинг аниқ бир обьекти билан боғлиқ бўлиб, шунга мос равишда макро-, мезо- ва микро-даражаларда тадқиқ қилиш мумкин. Барқарор ривожланишнинг моҳиятини тушуниш - бу уни ишончли баҳолаш ва илмий бошқарувнинг асосини тегишли даражадалигини ўзида намоён этади. Барқарор ривожланиш тушунчаси иқтисодий, ижтимоий, экологик ва сиёсий омилларга боғлиқ бўлган ўзаро муносабатларни тадқиқ қилишни талаб киласди.

Тизимларни ривожлантиришнинг мақбул йўналиши ва унинг динамик мувозанат ҳолатига “...ҳар бир элемент бир вактнинг ўзида ўз манфаатлари ва бутун тизимнинг манфаатлари учун фаолият юритганда» эришиш мумкин бўлади”¹⁴. Бу барқарор ривожланиш тушунчасининг таърифига кўра, ҳозирги ва келажак авлодлар эҳтиёжларини қондириш учун тенг имкониятларни яратиш таъминланади.

Турли хил адабиётлар ва илмий ишларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, саноат корхоналаридаги “барқарор ривожланиш” тушунчаси бу жуда мураккаб ва кўпкиррали бўлган ўзига хос таркибий қисмларни ўз ичига оладиган жараёндир. Жумладан:

1. Иқтисодий-саноат корхоналарининг асосий иқтисодий кўрсаткичларининг барқарор ўсиш жараёни;

2. Ижтимоий-аҳоли ва ходимларнинг эҳтиёжларини қондириш, уларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, шу жумладан келажак авлод учун фарғонов ҳаётни таъминлашга қаратилган жараён;

3. Сиёсий-келажакда мамлакатдаги янги авлоднинг муносиб яшашини таъминлаш учун меъёрий-хукукий дастурни амалга ошириш жараёни;

4. Экологик-табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва табиий экотизимни атроф-муҳитнинг барқарорлигини кафолатлайдиган даражада тиклаш жараёнидир.

Жаҳон миқёсида “корхонанинг барқарор ривожланиш” тушунчасига алоқадор бўлган илмий изланишларни олиб борган олимларнинг ўзига хос қарашлари ва ёндашувлари 1.1-жадвалда келтирилган.

¹⁴ Епифанцева Е.И. Системный анализ концепции устойчивого развития промышленного развития // Аудит и финансовый анализ. -2003. -№ 4. - С. 54-62.

1.1-жадвал

Корхонанинг барқарор ривожланиш хусусидаги ёндашувлар

| Муаллиф | Таърифлар |
|--|---|
| Е.Н. Кучерова ¹⁵ | Корхонанинг барча барқарорлик кўрсаткичларидағи ўзгаришларни мувозанат ҳолатида ушлаб колиб, энтропия тенденцияларга қаршилик кўрсатган ҳолда, асосий ва яхлитлилик хусусиятларини сақлаб туриш жараёнидир. |
| С.П. Фукина ¹⁶ | Юкори сифат ва міқдорий ўсишини таъминлайдиган корхона фаолиятидаги параметрларнинг узлуксиз ҳамда ижобий ўзгаришидир. |
| А.Е. Михайлова ¹⁷ | Корхонанинг шундай фаолият юритишидирки, унда ташки омилларнинг таъсирида стратегик максадларга эришиш яхлитлилигини сақлаб қолишга ёрдам беради. |
| Т.В. Ускова ¹⁸ | Барқарор ривожланиш - бу ижтимоий фаровонлик ва экологик мувозанатнинг жорий ва келажакдаги кийматининг салоҳиятини оширишида технологик ривожланишга йўналтирилган инвестицияларнинг йўналишлари ва ресурслардан оқилона фойдаланиш жараёнидаги ўзгаришлардир. |
| О.Л. Кузнецов ¹⁹ | Барқарор ривожланиш - бу ҳозирги ва келажак авлодларнинг эҳтиёжларини кондиришнинг узлуксиз жараёнидир. Барқарор ривожланиш иккита йўналишдаги тушунчаларни ўз ичига олади: биринчидан, зарур эҳтиёжлар ва имкониятларни саклаш ва ривожлантириш зарурити, иккинчидан, компанияянинг технологик ҳолатини кондиришида чекланган эҳтиёжларни кондириш зарурати. |
| Н.В. Розенберг, Г.Н. Краснощеков Ю.М. Крылов ²⁰ | Барқарор ривожланиш бу - кўллаб-куватланадиган иксисодий ривожланиш бўлиб, келажак авлодлар учун мавжуд ресурсларнинг сўниб бориш хавфига таъсир кўрсатмаслиkdir. |
| И.И. Сигов ²¹ | Барқарор ривожланиш - бу ҳозирги эҳтиёжларга жавоб берадиган, аммо келажак авлодларнинг ўз эҳтиёжларини кондириш кобилиятига хавф солмайдиган ўсишдир. |

¹⁵ Кучерова Е.Н. Современный подход к устойчивому развитию предприятия / Вестник Оренбургского государственного университета. 2007. – № 9 (73). – С. 76–81.

¹⁶ Фукина С.П. К вопросу об устойчивом развитии предприятия в нестабильной среде / Актуальные проблемы экономики и права – 2008. – № 4. – С. 48–55.

¹⁷ Михайлова А.Е., Рассетов С.А. Концептуальный подход к устойчивому развитию промышленных предприятий в условиях модернизации экономики / Вестник Тамбовского университета. Серия: Гуманитарные науки. – 2012. – № 3 (107). – С. 59–63.

¹⁸ Ускова Т.В. Управление устойчивым развитием региона. Вологда: ИСЭРТ, 2009. 355 с.

¹⁹ Кузнецов О.Л. Устойчивое развитие: научные основы проектирования в системе природа – общество – человек. СПб.: Наука, 2008. 240 с.

²⁰ Розенберг Н.В. Социокультурная составляющая понятия «Регион» // Аналитика культурологии. 2005. № 4. С. 148–150.

²¹ Сигов И.И. Региональная экономика (понятийный аппарат). СПб.: ИРЭ РАН, 2000. С. 65–66.

Хусусан, А.Ортиков “Ўзбекистонда саноатни ривожлантиришнинг қатор имкониятлари, географик ва иқтисодий омиллари”га²², М.П.Нарзиқулов “Саноатни ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш жараёнида асосий эътибор таркибий ўзгаришларга қаратилганлиги”га²³, Э.Х.Махмудов “Саноат тармоқлари ривожланишига шароит яратишнинг стратегик йўналишлари биринчи навбатда бюджет, солик, пул кредит, нарх ва валюта сиёсати каби воситаларни қамраб олган куладай макроиктисодий муҳитни яратиш” га²⁴ боғлиқликларига алоҳида тўхталиб ўтишган.

Фикримизча, “Барқарор ривожланиш бу - ишлаб чиқариш жараёнининг самарали фаолият юритишини таъминлайдиган ички ва ташки омилларга мослашувчан бўлган иқтисодий фойда келтирувчи ҳолатдир”. Сабаби омилларнинг таъсирига тўғри муносабат билдира оладиган корхоналар доимий равишда барқарор ҳолатда ўз фаолиятини олиб бориши мумкин.

Шу билан бирга иқтисодий категория сифатида “барқарор ривожланиш тушунчаси” саноат корхоналарининг фаолияти нуқтаи назаридан якуний мақсадларига эришишга имкон берувчи динамик ўсиш ҳолатидир.

Саноат корхоналарини ўрганиш натижасида, “барқарорлик” атамасини кўплаб ҳолларда “барқарор иқтисодий ривожланиш”, “иқтисодий барқарорлик”, “иқтисодий ўсиш”, “иқтисодий самарадорлик” деб тушуниш мумкин бўлади. Европа адабиётларида, барқарор корхона сифатида, даромаднинг меъёрий даражасига эришган ёки бозордаги фойданинг катта қисмига эга чиқишини ўзига таъминлай оладиган корхона сифатида намоён бўлади.

Барқарор иқтисодий ривожланиш барқарор иқтисодий ўсишни ўзида намоён этишдир. Барқарор иқтисодий ривожланиш бу узоқ вақт давомида корхонадаги иқтисодий, молиявий, сиёсий, ижтимоий ва экологик вазиятни ташкил этувчи тизимдаги элементларнинг ижобий ўсиши ҳамда мувозанатли ўзаро таъсири натижасида кетма-кетликда яхшиланишидир. Барқарор иқтисодий ривожланиш, уларнинг турли таркибий қисмларининг оқилона ўзаро таъсири натижасида саноат корхоналарининг ривожланишини доимий равишда кўллаб-

²² Ортиков А. Саноат иқтисодиёти. Дарслик. Т.: ТДИУ, 2009. 236 б

²³ Нарзиқулов М.П. Стратегия дальнейшего повышения конкурентоспособности национальной экономики: материалы 1-го Форума экономистов. -Ташкент. 2012. С. 8.

²⁴ Махмудов Э.Х., Ортиков А., Каримов Ф. Корхона иқтисодиётнинг асосий бўғини. / Хамкор. 2010 йил 7 февраль

куниатлайдиган ва келажак авлодлар эхтиёжларини қондиришга хавф солмайдиган мувозанат жараёнидир.

Саноат корхоналарининг барқарор ривожланиши маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг ўсиши, иқтисодий ва табиий ресурслардан симарали фойдаланиши, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини ошириши, барқарор ва мувозанатли экологик вазиятни ҳисобга олиш билан узвий боғлиқдир. Фақаттинга иқтисодий, молиявий, ижтимоий ва экологик хусусиятларнинг мувозанати билан саноат корхоналарининг барқарор ривожланишини таъминлаш мумкин бўлади (1.2-жадвал).

1.2-жадвал

Барқарор ривожланиш тушунчасининг турли йўналашларда қўлланилиши²⁵

| Қўлланилиш йўналиши | Тушунчанинг таркиби |
|--|--|
| Барқарор ривожланиш тамойил сифатида | Бу шуни англатадики, яъни иккӣ йирик гурухга ажратилган харакатлар ва қарорлар аникланади: биринчи гурух барқарор ривожланишга олиб келадиган харакатлар ва қарорларни бирлаштиради; иккинчи гурух эса аксинча барқарор ривожланишини таъминламайдиган харакатлар ва қарорларни бирлаштиради. Биринчи гурух таркибидаги харакатлар ва қарорларни саклаб колиш ва рагбатлантириш зарур, иккинчи гурух таркибидаги харакатлар ва қарорларга эса тузатишлар киритиш хамда ўзгартириш хусусида аниқ бир қарор кабул килиш талаб этилади. |
| Барқарор ривожланиш стратегия сифатида | Маълум бир узок муддатли вазиятнинг бир элементи бўлиб, бу маълум параметрлар, харакатлар, вазифалар, ресурслардан фойдаланиши ва бошқаларни қўллашдан иборатdir. Бу эса жорий ҳолатдан келажакка қадар мувозанатни таъминлайди. Якунда харакатлардаги пасайишларга қарамай жорий ҳолатдагига нисбатан яхшироқ ҳолатга олиб келади. |
| Барқарор ривожланиш тактика сифатида | Бу маълум бир кичик даврдаги мувозанатдаги ҳолатдан киска муддат ичидаги тезкор ўсиш ҳисобига янада яхшироқ ҳолатга чиқишидир. |
| Барқарор ривожланиш функция сифатида | Бу институционал, ижтимоий ва экологик омиллар каби янги параметрларни ўз ичига олиш ҳисобига ишлаб чиқариш функцияларини кенгайтириш ёки мукаммаллаштиришни англатади. |
| Барқарор ривожланиш жараён сифатида | Маълум бир вакт давомида корхона фаолиятини тавсифловчи микдорий ва сифатли кўрсаткичларидаги ижобий ўзгаришларни назарда тутади ва шу билан бир каторда фаолиятдаги салбий кўрсаткичлар камайиб боради |
| Барқарор ривожланиш натижага сифатида | Инновацияларни амалга ошириш, технологик ривожланиш шароитида жамият эхтиёжларини қондириши сифатини ошириш, жамиятни ташкил этиш, жамият ва табиий ресурс базасини ташкил этиш билан боғлик таркибий ўзгаришларнинг натижасидир. |

²⁵ Адабиётлар таҳлили натижасида тайёрланди

Саноат корхоналаридаги барқарор ривожланишнинг асосий мезонлари аҳолининг эҳтиёжларини қондириш мақсадида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини таъминлашдан иборат. Саноат корхоналарининг барқарор ривожланишининг ижтимоий томондан таркибий қисми, бу ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, демография ва миграция билан боғлиқ бўлган жараёнларнинг барқарорлаштирилишини ўз ичига олади. Саноат корхоналарининг барқарор ривожланишининг иқтисодий томондан таркибий қисми, бу корхонанинг самарали фаолият юритиши билан боғлиқ бўлган жараён ҳисобланади. Шу билан бирга, атроф-муҳитдан оқилона фойдаланиш ва табиий ресурсларни саклаш билан боғлиқ жараёнлар бу корхоналарнинг экологик барқарорлигини таъминлашга замин яратади.

Шу билан бирга, «барқарор ривожланиш» атамасининг маъноси остида «барқарор иқтисодий ривожланиш» атамасини битта жараённи тавсифлаш нуқтаи назаридан тушуниш керак, чунки бунинг натижасида охир-оқибат саноат корхонасининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари доимий равишда яхшиланиб бориши ётади. Барқарор ривожланиш натижалари ҳисобига мол-мулқдан фойдаланиш самарадорлиги ошиб бориши, молиявий кўрсаткичларнинг сезиларли даражада кўтарилиши, ходимлар малакасининг ўсиши, уларнинг доимий равишда ёшариб бориши ва корхонанинг бошқа корхоналар олдидаги мажбуриятларини тўлиқ сўндириб бориши билан таъсифланади.

Шундай қилиб, ҳозирги рақамли иқтисодиётнинг шаклланиб бориш даврида барқарор ривожланиш назарияси фаол кўлланилиб келмоқда ва такомиллаштирилмоқда. Иқтисодий ўсиш назариясининг ўрнини ҳозирда барқарор ривожланиш тушунчаси аста-секинлик билан алмаштирумокда. Унинг таркибий қисмини эса иқтисодий самарадорлик, ижтимоий тенглик, сиёсий мувозанат ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш каби жараёнлар ташкил этмоқда.

1.2. Саноат корхоналарининг барқарор ривожланиш механизмига таъсир этувчи омиллар

Саноат корхонасининг барқарор ривожланиши ҳозирги кунда нафакат мамлакат даражасида ёки тармоқдаги етакчи мавқени эгаллаб турган корхоналарда, балки алоҳида олинган саноат

корхоналари ва уларнинг таркибий бўлинмаларида ҳам кенг кўламда фойдаланиш учун юқори натижавийлик ва универсалрок кўрсаткич ҳисобланади.

Жаҳондаги глобал пандемия шароитида кўплаб давлатлардаги саноат корхоналари дуч келаётган молиявий инқироз ва иқтисодий бекарорлик жараёнида амалга оширилган илмий-техник изланишлар, технологик тараккӣёт ва тизимли ўзгаришлар сабабли саноатдаги чукур кўламли ўзгаришлар кўп вазифаларни белгилаб бермоқда. Ракамли иқтисодиёт шароитда мамлакатимиздаги саноат корхоналарининг барқарор ривожланишини таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга доир илмий ишланмалар кўпайиб бермоқда. Шу муносабат билан саноат корхоналарининг ташки муҳитда ўз мавқенини сақлаб қолиш учун рақобатбардош бўлиши ва ўз ўрнини эгаллаши учун ички омилларнинг таъсирини аниқлаш ҳамда ҳисобга олиш зарур. Шу билан бирга корхонани бошқариш механизмини ўз вақтида қайта йўналтириш талаб этилади.

В.И. Маевскийнинг таъкидлашича, саноат корхоналарининг барқарор ривожланиши, айниқса, куйидаги сабабларга кўра жаҳондаги ижтимоий-иктисодий муносабатларнинг глобаллашуви шароитида мавжуд муаммоларни ҳал қилишни талаб этади. Бир томондан, анъанавий кўринишдаги саноатнинг ўрни иқтисодий фаолият юритувчи субъектларнинг манфаатлари билан изоҳланади. Бошқа томондан, саноат корхоналари ресурслар билан ўз-ўзини таъминлайди ва иқтисодиётнинг барча соҳаларини ишлаб чиқариш маҳсулотлари ҳамда ярим фабрикатлар билан таъминлайди. Машинасозлик ва қурилиш тармоқларининг “ўз-ўзини ривожлантириш ядроси” бўлиб ҳизмат қиласи ҳамда ўзлари учун меҳнат қуролларини натурал кўринишда яратади ва бошқа тармоқлар учун ҳомашё яратади²⁶.

Саноат корхоналаридаги барқарор ривожланиш муаммосининг таҳлили шуни кўрсатдики, ушбу йўналишда олиб борилаётган илмий-техник изланишлар жадал ривожланмоқда, аммо тадқиқотчилар асосан молиявий ва иқтисодий жиҳатларга катта эътибор қаратмоқда. Гарчи барқарор ривожланиш тушунчаси кенг қамровли маънога эга бўлса-да, уни фақат бир жиҳатини акс эттириш бу бизнингча тўғри эмас. Чунки, “барқарорлик”, “барқарор фаолият юритиш”, “барқарор ривожтаниш” каби тушунчалар бўйича аниқ бир тўхтамга

²⁶ Маевский В.И. О началах экономической генетики (концептуальные подходы) // Вопросы экономической генетики. -М.: ИЭ РАПН. 2008. С. 11.